

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК  
ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ҚЎМИТАСИ  
РЕСПУБЛИКА ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ МАРКАЗИ**

**“ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА  
ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ”  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК  
ПРОТОКОЛЛАРИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
Республика ОИТСга қарши  
қурашши маркази директори  
Б.Н.Игамбердиев



2024 йил

**“ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА  
ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ”  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК  
ПРОТОКОЛАРИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

## **Мундарижа**

**ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК  
ПРОТОКОЛ.....5**

**ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА  
ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАР БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ.....35**

**“ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА  
ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ  
НАЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАШХИСЛАШ  
ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК  
ПРОТОКОЛАР**

**ТОШКЕНИТ - 2025**

## 1. Кириш қисми

- Қисқача аннотация. ОИВ инфекцияли болаларда цитомегаловирус инфекцияси бўйича ушбу миллий клиник протокол далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган замонавий илмий маълумотларга мувофиқ ОИВ инфекцияли болаларда цитомегаловирус инфекциясини назорат қилиш ва олдини олишга қаратилган ўз вақтида ва сифатли диагностика, терапевтик тактикасини таъминлаш учун ягона концепцияни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

ОИВ инфекцияли болаларда цитомегаловирус инфекцияси нозологияси бўйича ушбу миллий клиник протокол Ўзбекистон Республикаси туман, вилоят ва республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амбулатор ва стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

**- Халқаро касалликлар классификатори – ХКК(МКБ)-11 коди (лар):**

Код	Номи
1D23	-ОИВ инфекцияси 4 клиник даври
9B72.01	-ОИВ-ретинит
1E30	-Цитомегаловирусли гепатит
1E31	-Цитомегаловирусли панкреатит
1E21.1	-Цитомегаловирус чақирган моноклеоз,
KA72.3	-Туғма цитомегаловирус инфекцияси
1A24	-Цитомегаловирусли чақирган ичак инфекцияси
9B72.00	-ЦМВ ретинит
1E3Y	-Бошқа аниқланган цитомегаловирусли касалликлар
1E3Z	-Бошқа аниқланмаган цитомегаловирусли касалликлар

Юқлаб олиш (ХКК) ҳавола): <https://icd11.ru/virus-immunodeficit-cheloveka/>  
<https://icd11.ru/citomegalovirusnaya-bolezn/>

**-Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:**

2023/2026 йил.

**-Ушбу клиник баённома ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса:**

Республика ОИТСга қарши курашиш маркази

**-МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ ВА СТАНДАРТНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШДА ҲИССА ҚЎШГАНЛАР:**

1. Юсупалиев Б.К — ССВ ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси, т.ф.д.профессор
2. Атабеков Н.С — ССВ ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси биринчи ўринбосари, т.ф.д.профессор
3. Игамбердиев Б.Н. Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори
4. Мустафаева Д.А. Республика ОИТСга қарши курашиш маркази даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари т.ф.н.
5. Гиясова Г.М. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази «ОИВ инфекцияси муаммолари» курси, т.ф.н.
6. Папина Е.С.- Республика ОИТСга қарши курашиш маркази поликлиника бўлими бошлиғи, инфекционист
7. Ашурова Х.М — Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, инфекционист
8. Мавлонова Г.А.- Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, педиатр

**Мультидисциплинар муаллифлар рўйхати:**

<b>Ишчи гуруҳ раҳбари</b>	<b>Игамбердиев Бахром Нагматович</b> Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори
<b>Масъулиятли ижрочилар</b>	<b>Мустафоева Дилдора Асатовна</b> Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази инфекционисти, “ОИВ инфекцияси муаммолари” курси ўқитувчиси, т.ф.н.
	<b>Юлдашев Қахрамон Халдарович</b> Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, «ОИВ инфекцияси муаммолари» курси мудири, тиббиёт фанлари доктори.
	<b>Умиров Сафар Эргашевич</b> Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, «ОИВ инфекцияси муаммолари» профессори, тиббиёт фанлари доктори.
	<b>Гиёсова Гузал Маннаповна</b> Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, ўқитувчи, т.ф.н.
	<b>Папина Евгения Сергеевна</b>

	Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, поликлиника мудир, инфекционист
	<b>Ашурова Хулкаррой Махкамовна</b> Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, инфекционист
	<b>Мавлонова Гулнора Аъзамовна</b> Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, педиатр
	<b>Раджабова Сайёрахон Олимжоновна</b> Республика ОИТСга қарши курашиш қарши курашиш маркази.Шифокор
	<b>Баимбетов Бахтиёр Нуриддинович</b> Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, педиатр

### **-Такризчилар:**

**Атабеков Н.С**-ССВ хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси биринчи ўринбосари, т.ф.д.профессор

**Бердиева З.И**-Тошкент вакцина ва зардоблар илмий – тадқиқот институти “Умумий эпидемиология” лабораторияси катта илмий ходими, т.ф.н

**Мультидисциплинар ишчи гуруҳ йиғилишида Миллий клиник протоколларни лойиҳасини муҳокамаси баённомасидан кўчирманинг рақами ва санаси:** ишчи гуруҳнинг 3-сонли йиғилиши 2025 йил 5апрелда бўлиб ўтган.

### **Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва тахрирлаш:**

1. Рахимова В.Ш. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази юқумли касалликлар кафедраси доценти, т.ф.н.
2. Гиясова Г.М. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази «ОИВ инфекцияси муаммолари» курси, т.ф.н.

### **Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:**

- (тўлиқ исм-шарифи, иш жойи, лавозими/унвони);

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими

бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

## **Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирилган Кенгаш йиғилиш баённомасидан кўчирма (сана, №рақам).**

### **ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ:**

АЛТ	Аланинаминотрансфераза
АСТ	Аспартатаминотрансфераза
АТ	Антитела
РВҚД	Ретровирусга қарши даво
ОИВ	Одамнинг иммунтанқислик вируси
ДНК	Дезоксирибонуклеин кислотаси
ОИТ	Ошқозон–ичак тизими
ИФА	Иммуннофермент анализ
КТ	Компьютер томографияси
МРТ	Магнит-резонанс томографияси
ПЗР	Полимераза занжирли реакция
ФГДС	Фиброгастродуоденоскопия
ЦМВИ	Цитомегаловирусли инфекция
МНТ	Марказий нерв тизими
ЭКГ	Электрокардиография
УҚТ	Умумий қон таҳлили
УСТ	Умумий сийдик таҳлили
IgG	Иммуноглобулин G
IgM	Иммуноглобулин M

### **- Мазкур нозология бўйича протоколнинг фойдаланувчилари:**

- соғлиқни сақлаш ташкилотчилари
- олий ўқув юртлари мутахассислари
- илмий ва амалий тиббиёт марказлари мутахассислари
- идоровий тиббий хизмат мутахассислари (ИИВ)

- умумий амалиёт шифокор
- юқумли касалликлар бўйича мутахассислар
- педиатрлар
- фтизиатрлар
- неврологлар
- дерматовенерологлар
- акушер-гинекологлар
- анестезиолог-реаниматологлар

**Беморлар тоифаси:** ОИВ билан яшовчи болалар

**Далиллар даражаси шкаласи:**

ДДШ	Далиллар даражаси
А	Тарқалиши мумкин бўлган аҳолига юқори сифатли мета-таҳлил, катта РКТ ёки тизимли РКТларда хато эҳтимоли жуда паст бўлган (++) натижалари.
В	Тегишли аҳолига тарқатилиши мумкин бўлган Когорт ёки контроль тадқиқотларини юқори сифатли (++) тизимли кўриб чиқиш ёки систематик хато ҳавфи жуда паст бўлган юқори сифатли (++) когорт ёки контроль тадқиқотлари ёки паст (+) тизимли хато ҳавфи бўлган РКТ лар натижалари.
С	Тегишли популяцияга тарқатилиши мумкин бўлмаган Когорт ёки контроль тадқиқоти ёки тизимли хато ҳавфи паст бўлган рандомизациясиз бошқариладиган синов (+). Натижалари тегишли популяцияга ёки РКТ ларга тизимли хато ҳавфи жуда паст ёки паст бўлган (++) ёки+) тақсимланиши мумкин натижалари тўғридан-тўғри эмас.
Д	Бир қатор эксперт хулосалари ёки ҳолатларнинг тавсифи ёки назоратсиз ўрганишлар
ГПП	Энг яхши фармасевтика амалиётлари

## 2.АСОСИЙ ҚИСМ.

### - Кириш

Цитомегаловирус (ЦМВ) герпесвируслар оиласига мансуб икки занжирли ДНК вируси бўлиб, яққол иммуносупрессия билан кечаётган ОИВ инфекцияли шахсларда нишон аъзоларининг ўчоқли ёки тарқалган касаллигини чақиради.Кўпинча клиник касалликлар илгари ЦМВ билан зарарланган шахсларда, яширин инфекцияни қайта фаоллашиши натижасида кузатилади.

Янги штамм билан ҳам зарарланиш мумкин. ЦМВ сабабли нишон аъзолар касалланиши яққол иммуносупрессия билан кечаётган ОИВ инфекцияли шахсларда одатда СД4+ лимфоцитлари (СД4) <50 хужайра/мм<sup>3</sup> бўлган, ретровирусга қарши даво қабул қилмайдиган ёки содиқликни сақламаётган беморларда кузатилади. Ретровирусга қарши даво олаётган ва вирусологик самарага эришганлар беморлар орасида ЦМВ-сабабли нишон аъзолар касалланиши жуда кам учрайди.

<https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus>

Иммун етишмовчилигида (СД4/мклда 50 та хужайрасидан кам) ЦМВ инфекциясининг реактивацияси кўз тўр пардасининг яллиғланишига (ретинит) олиб келиши мумкин. Олдинги вақтларида ЦМВ-ретинит кўпинча ОИТС-ассотсирланган касаллик бўлиб, кўрлик даражаси 30% га етган. Мазкур касаллик асосан даволанмаган беморларда учрайди, кўпинча улар ЦМВ-ретинит ташхиси тасдиқлангандан сўнг ОИВ инфекцияси мавжудлигини билишади. (Jacobson 2000). ЦМВ-ретинитнинг кеч аниқланиши ва даволаниши кўпинча кўриш қобиятини йўқотишга сабаб бўлади. Кўриш қобилиятининг бузилиши деярли барча ҳолатда адекват даволашга қарамасдан тўлиқ тикланиш кузатилмайди. Шунинг учун ЦМВ-ретинит ҳозирги кунда ҳам хавфли касаллик ҳисобланиб, РКД фонида беморнинг умумий ахволигина яхшиланади. (Salzberger 2005, Thorne 2006).

<https://mv.ecuo.org/download/vich-2014-15-pod-redaktsiej-kristiana-hoffmana-i-yurgena-k-rokshtro/>

#### - Нозологиянинг умумий таърифи

**Цитомегаловирус (ЦМВ)**–Герпесвируслар оиласига кирувчи икки занжирли ДНК сақловчи вирус бўлиб, ОИВ инфекцияси яққол иммуносупресс билан кечаётган беморда нишон аъзоларнинг тарқалган ёки ўчоқли касалланишини чақиради.

Ҳомиладорлик даврида аёлларда бирламчи ЦМВИ аниқланиши 1% дан ошмайди. Ҳомиладорлик даврида бирламчи ЦМВИ бўлган аёлларда цитомегалия вируси билан ҳомила ичи инфекцияси 30-50% га етади, инфекцияланган болаларнинг атиги 5-18% да туғма ЦМВИ тасдиқланади, бу оғир кечиши билан тавсифланади ва кўпинча ўлимга олиб келади.

Вафот этган чақалоқлар ва ёш болаларда 5-15%да ЦМВИнинг тарқалган шакли ҳамда 10-30% да ўчоқли шакли аниқланади. ЦМВИ билан яшаётган болаларнинг аксариятида ногиронлик ва ҳаёт сифатининг сезиларли даражада бузилишига олиб келадиган жиддий асоратлар: аклий заифлик 28%, нерв-мушак касалликлари 58%, шу жумладан церебрал фалаж, шунингдек соматосенсор

етишмовчилик, эшитиш қобилиятини йўқотиш 20%, кўриш қобилияти бузилиши 24% кузатилади.

Серопозитив эмизикли оналарнинг тахминан 20% кўкрак сути, сўлак, сийдик ва нажаси орқали ЦМВ ажратади ва болалар учун инфекция манбаи ҳисобланади. Болаларнинг ҳаётининг биринчи ойларида 5-30% ЦМВ билан зарарланади. Одатда уларда ЦМВИ субклиник шаклда кечади, аммо ЦМВ иммуносупрессив қобилиятга эга бўлганлиги сабабли, бошқа патогенлар келтириб чиқарадиган касалликлар оғир кечиши мумкин.

Иммунитет танқислиги бўлган болаларда ЦМВИ аъзо ва тизимлар фаолияти бузилиши оқибатида ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Туғма ЦМВИ симптомларсиз ёки оғир шаклда кечганда, кўпинча ўлим қайд этилиши мумкин. Шу билан бирга, ЦМВИ нинг оғир шакли билан касалланган болаларнинг деярли 90%да кейинчалик турли хил соматик ва неврологик нуқсонлар ривожланиши мумкин. ЦМВИ симптомларсиз кечган болаларнинг атиги 5-17%да турли хил аъзоларнинг - сенсор карлик, ҳомила ривожланишидан орқада қолиши, ҳомила гипотрофияси, кичик мия дисфункциялари ва бошқа асаб-руҳий ўзгаришлар кузатилади.

Ҳомиланинг зарарланиш белгилари ҳомиладорликнинг қайси муддатида инфекцияни юқтирганлигига боғлиқ. Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида зарарланиш ҳомиланинг ўлими, ҳомила тушиши, ўлик туғилиш ҳамда боланинг ривожланиш нуқсонлари билан туғилишига олиб келади.

Орттирилган ЦМВИ. Инкубация даври 15-90 кунни ташкил қилади. Яширин ва субклиник шакллари маълум симптоматикага эга эмас. Ноаниқ субфебрилитет ёки гриппнинг енгил шаклида кузатиладиган аломатлар билан кечади. Болаларда орттирилган ЦМВИда марказий асаб тизимининг шикастланиши кузатилмайди (туғма шаклга хос бўлганидек). Кўпинча юқумли моноклеоз каби кечиби, иситма, катарал белгилар, бўйин ва жағ ости лимфа тугунларининг катталаниши, шунингдек, қулоқ олди сўлак безларининг оғриқли катталашуви кузатилади.

<https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus>

### **-Клиник таснифи.**

#### **I. Туғма ЦМВИ:**

- а) симптомларсиз кечувчи формаси;
- б) ЦМВ-касалик (манифест ЦМВИ).

#### **II. Орттирилган ЦМВИ.**

##### **1. Ўткир ЦМВИ:**

- а) симптомларсиз кечувчи формаси;

- б) мононуклеозга ўхшаш синдром;
- в) ЦМВ-касаллик (манифест ЦМВИ).

2. Яширин (латент) ЦМВИ.

3. Фаол (Актив) ЦМВИ (вирус реинфекцияси ёки реактивацияси):

- а) симптомларсиз кечувчи формаси;
- б) ЦМВ-уюшган синдром.

4. ЦМВ-касаллик (манифест ЦМВИ).

<https://www.us.elsevierhealth.com/nelson-textbook-of-pediatrics-2-volume-set-9780323529501>

<https://jasulib.org/kg/wp-content/uploads/2022/04/Ющук-Н.Д.-Инфекционные-болезни-национальное-руководство-806-807-стр>

ЦМВ-ретинит	Кўз олдида "сузувчи чивинлар" пайдо бўлиши; кўриш майдонларнинг пасайиши; Скотомалар; кўриш қобилиятини пасайиши; Марказий кўришнинг майдонинг нуқсонлар; Иситма.
ЦМВ-эзофагит	Кўнгил айниш; ўрта эпигастрал ёки тўш орти соҳасида ноқулайлик; Иситма; Дисфагия
ЦМВ-колит:	Иситма; вазн йўқотиш; қорин оғриғи; Диарея; ичак тешилиши; анорекция.
ЦМВ-энцефалит:	Беҳоллик; ҳуш чалқашлиги; Деменция; Иситма.
ЦМВ вентрикулоэнцефалит:	Бош мия нервлар фалажи; Нистагму; ўткир кечиши
ЦМВ-полирадикуломиелопатия:	Радикуляр бел оғриғи; Сийдик тугилиши; Ичак назоратини йўқотиш; Прогрессив икки томонлама оёқ заифлиги
ЦМВ-пневмонит	ОИВ билан яшовчи шахсларда кам учрайди

<https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus>

### -Ташхислаш мезонлар:

**Шикоятлар:** инфекциянинг клиник формаси, юқтириш йўллари ва иммуносупрессия даражасига боғлиқ.

- узок муддатли безгак, кўпроқ субфебрил;
- ҳолсизлик;
- тез чарчаб қолиш;
- сўлак безларининг катталашуви ва оғриши;
- лимфа тугунлар катталашуви (кўпроқ бўйин ва жағости);

- томоқдаги оғриқлар;
- қуруқ йўтал;
- сарғайиш;
- кўнгил айнаши ва қусиш;
- қориндаги оғриқлар;
- ич кетиши;
- кўриш қобилиятининг пасайиши кўриш майдонларининг дефекти билан;
- неврологик шикоятлар (бош оғриғи, бош айланиши, қусиш, парестезиялар, мушаклар тортиши вабошқалар).

#### **-Эпидемиологик анамнез:**

- ҳомиладорлик вақтида онага фаол ЦМВИ ташхиси қўйилиши;
  - оилада ёки жамоада ЦМВ инфекцияли бемор билан мулоқотда бўлиши.
- Инфекция асосий юқиш йўли - бу маиший- контакт, ҳаво-томчи, жинсий ёки вертикал- онадан болага (трансплацентар, интранатал, кўкрак сути орқали);
- гематологик ва онкологик касалликлар мавжуд бўлиши;
  - цитостатиклар ва иммуносупрессорлар билан даволаш;
  - анамнезда гемотрансфузиялар ва органлар трансплантацияси ўтказилганлиги;
  - ОИВ инфекцияси.

#### **Касалликнинг клиник кечиши:**

Кичик ёшдаги болаларда цитомегаловирус инфекциясининг асосий клиник ва диагностик белгилари:

- туғма нуқсонлар;
- марказий асаб тизимининг шикастланиши;
- узоқ муддатли сариқлик;
- гепатитлар;
- гепатоспленомегалия;
- тромбоцитопеник пурпура, анемия, нейтропения;
- пневмония;
- нафас олиш, ошқозон-ичак ва сийдик йўллари касалликларининг рецидив кечиши.

Катта ёшдаги болаларда цитомегаловирус инфекциясининг асосий клиник ва диагностик белгилари:

- лимфопрлифератив синдром, юкумли моноклеоз синдроми;
- номаълум этилогияли ўткир ёки сурункали гепатит;
- узоқ муддатли субфебрилитет ёки тана ҳароратининг даврий равишда фебрил даражага қўтарилиши; ҳолсизлик, камқувватлик;
- марказий асаб тизимининг шикастланиши;
- нафас йўллари касалликлари рецидивлари, сийдик-таносил тизими касалликлари рецидивлари.

Туғма ЦМВИ учун: соматик ва неврологик ривожланиш нуқсонлари - ўпка магистрал томирлари ва аортанинг торайиши, миокард фиброэластози, микроцефалия, микро ва макрогирия, ўпка гипоплазияси, қизилўнғач атрезияси, буйрак анамалиялари, сенсор карлик, ҳомила ривожланишининг кечикиши,

ҳомиланинг гипотрофияси, тарқалган неонатал инфекцияси (гепатоспленомегалия, сариклик, геморрагик тошма, хориоретинит, интерстициал нефрит, лимфаденопатия, интерстициал пневмония, менингоенцефалит, энтерит, колит, миокардит, тромбоцитопения, анемия). Кейинчалик сенсор карлик, ҳомила ривожланиши орқада қолиши, ҳомила гипотрофияси, кичик мия дисфункциялари ва бошқа асаб-руҳий ўзгаришлар кузатилади.

Орттирилган ЦМВИ учун: лимфопрлифератив синдром, гепатоспленомегалия, тана ҳароратининг кўтарилиши, жигар, сўлак безларинг зарарланиши, марказий асаб тизими, ўпка, сийдик-таносил, юракнинг зарарланиши. Иммуниетет танқислиги бўлган болаларда ЦМВИда (ОИВ билан касалланган болаларлар, аъзолар трансплантациясидан кейин, иммуносупрессив давода): ретинит, конъюнктивит, энцефалит, миелит, стоматит, гастрит, колит, гепатит, интерстициал пневмония, тарқалган инфекциялар кузатилади.

### ЦМВИ симптоматикаси носпецифик ва турлича

УУД	Белгилар	Белгилар хусусиятлари
С	ҳомила гипотрофияси ва туғма нуқсонлар	Ўпка магистрал томирлари ва аортанинг торайиши, бўлмачалар ва қоринчалар аро тўсиқ нуқсонлари, миокард фиброэластози, микроцефали, микро ва макрогирия, ўпка гипоплазияси, қизилўнғач атрезияси, буйрак аномалиялари
В	Неонатал даврда тарқалган инфекция	Гепатоспленомегалия, сариклик, геморрагик тошма, хориоретинит, интерстициал нефрит, лимфаденопатия, интерстициал пневмония, менингоэнцефалит, энтерит, колит, миокардит, тромбоцитопения, анемия
С	Давомий субфебрилитет Лимфопрлифератив синдром	Камқувватлик, ҳолсизлик, тез чарчаш, Айрим ёки барча лимфа тугунларининг катталашуви
С	Сиалоденит	Қулоқ олди безларинг зарарланиши
С	Иммунотанқислиги мавжуд болаларда кўзнинг зарарланиши	Ретинит, конъюнктивит

**-Физикал кўриқдан ўтказиш:** инфекциянинг клиник шакли, зарарланиш йўллари ва иммуносупрессия даражасига боғлиқ.

- сўлак безларининг катталашуви;
- регионар лимфаденит;
- 38 дан ортиқ бўлган узоқ муддатли тўлқинсимон иситма;

- артралгия ва миалгия;
- аъзолар зарарланиши (ўпка, жигар, ошқозон-ичак тизими, МНС).

### Ташхис қўйиш босқичида физикал кўрикдан ўтказиш:

Д Ш	Тавсия	Изоҳ	Ҳавола
Б	Тери қопламлари ва кўриш, лор, жинсий аъзолар шиллик қаватлари умумий кўригидан бошлаш тавсия этилади.	шпатель (зонд) ёрдамида ҳалқум усти ҳолати сиртнинг тузилиши ва зичлиги баҳоланади, доғлар мавжудлигига ва оғиз шиллик қавати нуқсонларига ва доғларга эътибор берилади. Текширув давомида патологик ўзгаришларнинг жойлашиши, катталиги, чуқурлиги (пуфакчалар, афтлар), оғриқ ёки сезувчанлик йўқлигига эътибор берилади.	Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМВК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a> Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023 <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a>
Б	Кўрик вақтида ва пальпацияда лимфа тугунларининг оғриқлилиги ва ҳажмини аниқлаш учун тавсия этилади	лимфа тугунларининг текшируви бимануал ва билатерал, амалга оширилиб, ўнг ва чап соҳаларини таққосланади. Лимфа тугунларини текшириш яллиғланиш, юқумли ва онкологик жараёнларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот олиш имконини беради.	Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМВК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a> Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023 <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a>
В	Қорин бўшлиғини пальпация қилиш жигар ва	ЦМВ гепатитда жигар ҳажми катталаниши, баъзида оғриқ кузатилади	Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМВК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a>

	талокнинг ҳажмини (катталаштириш) аниқлаш учун тавсия этилади		Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023 <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a>
В	Ўпкани аускультация қилиш тавсия этилади	ЦМВ зотилжам ривожланишида яллиғланган ўчоқ соҳасида сушлашган нафас турли хил калибрдаги куруқ ва ҳўл хириллашлар эшитилади.	Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМБК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a> Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023 <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a>
В	Менингеал синдром ва ўчоқли неврологик аломатлар мавжудлигини аниқлаш тавсия этилади	Менингоэнцефалит ривожланганда менингеал белгилар (бош оғриши, тери, ёруғлик, товушга сезгирликни ошиши, энсамушаклар ригидлиги ошиши, Керниг, Брудзинский, Мендел, Бехтерев симптоплари) ва ўчоқли неврологик белгилар кузатилади.	Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМБК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a> Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023 <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a>

**-Лаборатор текширувлар:**

- **Умумий қон таҳлили:** тромбоцитопения, лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз, моноцитоз, атипик мононуклеарлар.
- **Умумий сийдик таҳлили:** протеинурия, цилиндрурия.
- **Қоннинг биохимик таҳлили:** билирубин миқдорининг ошиши, АЛТ, тимол, амилаза таҳлили.
- **Иммунограмма:** CD4+, CD8+ пасайиши, CD4\CD8 пасайиши.

• **Ортирилган ЦМВИ:**

**Ўтқир ЦМВИ:**

- анти-ЦМВ IgM –бирламчи инфекция «янги» маркерлари касаллик бошланганидан вирусни юқтиргандан 8–12 ҳафтагача аниқланади;
- анти ЦМВ IgM и анти ЦМВ IgG кам авидлик;
- Сийдикда ЦМВ ДНКси;
- Қонда ЦМВ ДНКси.

**Латент ЦМВИ:**

- анти ЦМВ IgM – манфий;
- анти ЦМВ IgG (юқори авидлик) – мусбат.

**Актив ЦМВИ (реактивация):**

- IgM ва юқори авидлик IgG титрларининг мавжудлиги;
- Сийдикда ЦМВ ДНКси;
- Қонда ЦМВ ДНКси.
- Сўлакда ЦМВ ДНКси.

**Актив ЦМВИ (реинфекция):**

- IgM ва юқори авидлик IgG титрларининг мавжудлиги;
- Сийдикда ЦМВ ДНКси;
- Қонда ЦМВ ДНКси.
- Сўлакда ЦМВ ДНКси.

<https://diseases.medelement.com/disease/цитомегаловирусная-инфекция/14157>

- **Кўрсатмаларга кўра қўшимча текширув усуллари:**

ДД Ш	Тавсия	Изоҳ	Ҳавола
		<b>Ташхис қўйиш босқичида</b>	
В	Қоннинг клиник таҳлили лейкоцитар формула билан, Умумий сийдик таҳлили, қон биокимёвий таҳлили: Умумий билирубин ва фракциялари,	АлАТ, АсАТ, ИФ, ГГТП, фаоллиги ошганлиги аниқлаш холестаза ва цитолитиз синдроми мавжудлиги ва фаоллигини баҳолаш имконини беради. Жигар синтетик	Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМВК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a>

	<p>аланинаминотрансфераза (АлАТ), аспартатаминотрансфераза (АсАТ), ишқорий фосфатаза (ИФ), гамма-глутамилтранспептидаза (ГГТП), амилаза, холестерин, мочевино, креатинин; протеинограмма; протромбин индекс (ПТИ) аниқлаш тавсия этилади.</p>	<p>фаолиятининг пасайишини аниқлаш учун протеинограмма ва ПТИ ўтказилади.</p>	<p>Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023  <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a></p>
А	<p>Қон зардобида ЦМВ серологик маркерлари IgG ва IgM антителалари, иммунофермент таҳлилида (ИФА), қаттиқфазали хемилюминисцентция Иммунофермент ёки иммуноблот (ИБ) усулида IgG авидлиги индексини аниқлаш тавсия этилади</p>	<p>IgM антителаси билан сероконверсияли IgG ва ёки паст авидлиги IgG антителаси ўткир ЦМВ инфекциясининг (бирламчи вирус билан зарарланиши) тасдиқловчи лаборатор маркерлар ҳисобланади.  Бирламчи зарарланишнинг 5-7 кундан қонда анти ЦМВ IgM, 10 – 14 кунлари паставидлиги анти-IgG, кейинчалик антитела авидлик мунтазам ошиб, улар юқори авидликка айланади.  Кўпинча анти-IgM 1–2 ойдан сўнг, паставидлиги анти-IgG 1–3 ойдан сўнг йўқолади, юқори авидлиги антитела IgG бир умрга ташувчи бўлиб қолади.  ИФА усулида турли тест-системалар орқали анти-ЦМВ IgM антителасини аниқлаш спецификлиги ва</p>	<p>Қатталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМБК)  <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a>  Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023  <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a></p>

		<p>сезгирлиги 30-88%ни ташкил қилади.</p> <p>Қонда анти-ЦМВ IgM аниқланиши, <b>ўткир</b> ЦМВИ ташхисини қўйиш учун етарли бўлмайди, 2 ҳафтадан сўнг қайта қон таҳлилида IgG (сераконверсия) аниқмаслиги, агар анти-IgG аниқланса унинг авидлигини аниқлаш зарур.</p> <p>Инфекциянинг <b>латент</b> кечишида қонда фақатгина юқориавидли IgG антителаси аниқланади.</p> <p>Вирус реинфекцияси ёки реактивацияси натижасида ЦМВ инфекцияси фаоллашганда IgM антителаси (антителанинг аниқланиши ва титри ўткир ЦМВга нисбатан қисқа муддатга) ва юқориавидли IgG антителаси аниқланиши мумкин.</p> <p>IgG антителасининг миқдори ва титри ЦМВ репликатив фаоллик даражасини кўрсатмайди ва актив ЦМВ инфекцияси ташхисини қўйишга ҳамда специфик вирусга қарши даво тавсия этишга асос бўлмайди.</p> <p>Стандарт ИФА усулидан кўра қаттиқфазали хемилюминисцент иммунофермент усули юқори сезгирлик ва спецификликга эга бўлиб, серологик маркерларни сохта мусбат натижалар кам аниқланади.</p>	
--	--	--	--

		<p>ИБ усули ЦМВ оксилларига қарши анти-IgM ва анти-IgG ни аниқлаш учун олтин стандартдир (аналитик сезгирлик ва спецификлиги 100%).</p> <p>Рр 65 (эрта оқсил) ва рр 72(эрта оқсилдан олдингиси) антигенига қарши антителонинг аниқланиши вируснинг фаол репликацияси сифатида баҳоланади. Инфекцион жараён ривожланиши мобайнида рр 28 оқсалига антитело пайдо бўлади.</p>	
А	<p>Қон, сийдик, сўлак, бронхоалвеоляр лаваж (кўрсатмага кўра), ликвор (кўрсатмага кўра), плеврал суюқлик (кўрсатмага кўра) да ЦМВ ДНК сани аниқлаш учун молекуляр-биологик текшируви ҳамда қон ва ликвор (кўрсатмага кўра) да ЦМВ ДНК сани аниқлаш учун полемераза занжир реакцияси (ПЗР) усули тавсия этилади.</p>	<p>Турли биологик суюқларда ДНКни аниқлаш клиник ва баҳолаш бир хил эмас. Сўлакда қўзғатувчини аниқланиши вирусни фаоллигини эмас, балки зарарланганликни билдиради. Сийдикда ДНК аниқланиши вирус фаоллигини билдиради, лекин узоқ муддат сийдикда вирус аниқланиши фаол ЦМВ инфекциясининг лаборатор кўрсаткичи эмас. Шунинг учун қўшимча текширувлар ўтказиш лозим. Ҳомиладор аёлнинг сийдигида вирус аниқланиши антенатал ЦМВ инфекциясини ривожланиши 20-30% ортиқ бўлиши мумкин. Мавжуд патологияда қонда ДНК топилиши муҳим диагностик аҳамиятга эга</p>	<p>Катталарда цитомегаловирус касаллиги (ЦМВК) <a href="https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf">https://edu.nmrc.ru/wp-content/uploads/2019/12/kr_cmv.pdf</a> Guidelines for the Prevention and Treatment of Opportunistic Infections in Adults and Adolescents with HIV 2023 <a href="https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus">https://clinicalinfo.hiv.gov/en/guidelines/hiv-clinical-guidelines-adult-and-adolescent-opportunistic-infections/cytomegalovirus</a></p>

